

УЎК (УДК, UDC): 821.411.21

ТОҲИР МАЛИКНИНГ АДАБИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШ ТАЖРИБАСИДАН



Малика Аскаровна МАНСУРОВА

магистрант

Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

malika.mansurova.93@mail.ru

Аннотация

Мақолада Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” ҳамда “Савоҳил” қиссаларида жадид маърифатпарвари образининг бадиий талқини ўзаро қиёсланган. Иккала қисса матнидаги умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаш орқали Тоҳир Маликнинг адабий матн устида ишлаш маҳорати ҳақида илмий-таҳлилий фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: жадид адабиёти; бадиий талқин; образ; эпитаф; диалог; муаллиф нутқи; образ нутқи; бадиий тўқима; бадиий асар тили; тарихий қисса.

ИЗ ОПЫТА РАБОТЫ ТОХИРА МАЛИКА НАД ХУДОЖЕСТВЕННЫМ ТЕКСТОМ

Малика Аскаровна МАНСУРОВА

магистрант

Ташкентский государственный
университет узбекского языка
и литературы им.Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

malika.mansurova.93@mail.ru

Аннотация

В повести «Ласточка», написанной Т. Маликом, изображена жизнь и деятельность А. Авлони. Будучи частично измененным, этот роман является частью «Избранного», названного «Савахиль» («Два берега»). Анализ «Ласточки» и «Савахиль» показывает творческую лабораторию Т. Малика. В данной статье сравнивается текст «Ласточки» и «Савахиль». При этом особое внимание уделяется различиям в языке и образах.

Ключевые слова: джадидская литература; литературная интерпретация; персонаж; эпитаф; диалог; авторская речь; речь персонажа; литературный текстовый язык; исторический роман.

FROM THE EXPERIENCE OF THE WORK OF TOKHIR MALIK ON ARTISTIC TEXT

Malika Askarovna MANSUROVA

master student

Alisher Navoi Tashkent State
University of Uzbek Language and Literature
Tashkent, Uzbekistan

malika.mansurova.93@mail.ru

Abstract

In "Qaldirg'och" (Swallow) written by the author depicts the life and activities of A.Avloni. Having been partially changed this novel is a part of "The selected" named as "Savohil" (Two banks). To reveal artistic skills of T.Malik the differences between heroes' characteristics and the literary novel language have been compared and scientifically analyzed.

Keywords: Jadid literature; literary interpretation; character; epigraph; dialogue; author's speech; character's speech; literary text language; historical novel.

Тоҳир Малик ижодига мансуб "Қалдирғоч" қиссаси маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийга бағишланган. Асарда бош қаҳрамон Асадулла Мираъламнинг элчилар сафида Кобулга бориб, қўшни Афғонистон мамлакати билан дўстлик алоқаларини ўрнатишда жонбозлик кўрсатганлиги ва бу йўлдаги қийинчиликлари тасвирланган. Ёзувчи кейинчалик бу асарга баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, "Савоҳил" номи билан эълон қилган. "Қалдирғоч" асаридаги камчиликларга ижодкор қуйидагича изоҳ беради: "Қалдирғоч"ни ёзишда коммунистик ғоялар асосида яратилган тарихга доир китобларни кўп ўқиб, уларга ишонганим оқибатида хатоларга ҳам йўл қўйган эдим. Баъзиларини нашрга туширмасдан олдин тузатдим. Айримлари биринчи нашрда чиқиб, кейин тузатдим. Шулардан бири Мунавварқорининг номларини тилга олган саҳифада учрайди. Нечукдир Бегали ака бунга танбеҳ бермаган эдилар. Бу танбеҳни истеъдодли олим Сирожиддин Аҳмаддан эшитдим" (3, 25). Юқоридаги изоҳлар сабаб бўлиб ушбу мақолада икки қиссанинг қиёсий таҳлилига асосий эътиборни қаратмоқчиман. "Шўрои исломия" деган ташкилот мавжудлиги қулоғига чалинган бўлса-да, улар билан шу ерда юзма-юз келди. Ўзини ташкилот раҳнамоларидан бири деб танитган Мунаввар қорини Асадулла яхши танир эди. Жадидларни алдаш йўлларига бошлаган шу – Мунаввар қори, ҳар гапининг бирида "подшо император аъзам Николай ҳазратлари"га узоқ умр тиловчи ҳам шу – Мунаввар қори. Энди нималарни валдираяпти? Керенскийни алқаяптими? Худодан ғалаба тилаяптими?" (2, 99). Бу ўринларда Мунаввар қорига нисбатан ижодкордаги салбий муносабатни ҳис қилиш қийин эмас. Биргина сўзга эътибор берадиган бўлсак, "гапираяпти" сўзининг ўрнига "валдираяпти"ни қўллаш орқали ижодкор салбий муносабатини янада кучайтирган. "Савоҳил" қиссасида ҳам шу парчанинг асосий мазмуни сақланган, бироқ Тоҳир Маликдаги бундай муносабат бир нотик образига қаратилган. "Нотиклардан бири Керенскийни алқай бошлади. Худодан ўрис аскарларига ғалаба тилади. Бу азамат нотик беш-олти ой муқаддам "подшо император аъзам Николай ҳазратлари"га узоқ умр

тилагандир. Замон ўзгарди-ю, дуонинг мазмунини ҳам ўзгартириб қўя қолибди” (1, 104). Ижодкорнинг шу хусусда фикрлари: “Асадулла ва Мунавварқори баҳсида ҳам шунга ўхшаш нодон сатрларга ўрин берган эдимки, ўтган улуғлар хотираси олдида айблیمان ва тавбалар қиламан. “Танланган асарлар”га тартиб беришда “Қалдирғоч”ни яна қўлга олиб, биринчи навбатда ўша камчиликни бартараф этиш чорасини излаб, Мунаввар қори шаънига битилган сатрларни ўчириб ташладим” (3, 26).

“Қалдирғоч” қиссасининг муқаддимасида қалдирғоч билан боғлиқ ўзбек халқ эртаги келтирилади. Асар бошланмасига эътибор берадиган бўлсак, бош қаҳрамон қалдирғочлар чириллашидан уйғониб кетади ва уларни илон зулмидан ҳимоя қилиши тасвири берилганлиги, қиссанинг 3-қисмидаги V бобнинг ҳам “Қалдирғоч” дея номланиши, бу тимсол орқали бутун асарнинг уйғунлигига эришилган.

“Савоҳил” қиссасида Абдулҳамид Чўлпоннинг шеъридан икки мисра эпиграф қилиб киритилган:

Кўнгил, сен бунчалар нега

Кишанлар билан дўстлашдинг? (1, 5).

Ушбу эпиграфни ўқир эканмиз, Чўлпоннинг “Кўнгил” шеъри ва ундаги шоирнинг кўнгилга бўлган алангали мурожаати, изтироблари кўз олдимизга келади.

Тириксан, ўлмагансан,

Сен-да одам, сен-да инсонсен.

Кишан кийма, бўйин эгма,

Ки сен ҳам ҳур туғулгонсен!

Бу мисралар халқни кишан кийиб, бўйин эгмаслиги лозимлигини, аксинча ҳур туғилган экан, эркин яшашга ҳақли эканлигига қаратилган бўлиб, шоир аввало кўнгилларни озод бўлишга чорлайди.

Эпиграф асарга бежиз киритилмаган, чунки асар ҳам халқни маърифатли қилиш йўлида жонбозлик кўрсатган жаҳид адибининг таҳликали ҳаётига бағишланганлигига ишорадир.

Қисса бошланмасида Асадулла билан Ҳожияхон ўртасидаги қисқа диалог берилган: “–Нима бўлди уларга? – деди у, эрига хавотир кўзи билан қараб.

–Қарай-чи...” (1, 5) ”Савоҳил” қиссасида Ҳожияхоннинг ҳолатига қўшимча изоҳ бериш мақсадида муаллиф нутқи киритилганлигини кўришимиз мумкин.

Қалдирғочларни илондан ҳимоя қилишга уринаётган Асадулла билан Ҳожияхон диалоги давом этади:

“ – Нонуштага тухум ютмоқчи бу касофат, – деди Асадулла айвонга қараб юриб.

– Қўйинг, ўзлари даф қилар.

– Эплашолмайди, тухумни ютмагунча кетмайди” (2, 6). Диалогнинг бу қисми ”Савоҳил”да тушириб қолдирилган. Менинг фикримча, Ҳожияхон нутқиға эътибор берадиган бўлсак, қалдирғочларнинг тақдирига бепарволикни кўриш мумкин. Бошидан кўп қийинчиликлар ўтган, давр зулмидан жабр кўрган аёлнинг бундай муносабати китобхонни ҳам ўйлантириб қўяди. Шунинг учун ҳам тушириб қолдирилган бўлиши мумкин.

“Қалдирғоч” қиссидаги “Илон ҳеч бир тинчлик бермади-да, қачон қарасанг шу ерда” (2, 6) шаклида қўлланган бўлса, “Савоҳил” қиссида бояқиш сўзининг киритилиши орқали образ нутқидаги ачиниш ҳиссини ҳам кўрсата олган: “Илон бояқишларга ҳеч бир тинчлик бермади-да, қачон қарасанг шу ерда” (1, 5).

“ – Илоннинг алами бор уларда, тинч қўймайди сира.

Ҳожияхон, “шулардаям хусумат бор-а ”, деб қўйди-да, ошхона томон юрди” (2, 6). “Қалдирғоч” асаридаги ушбу парчадаги хусумат эртақдаги илоннинг қалдирғочларга бўлган хусуматига ишора бор, бироқ бу қисм “Савоҳил” асарига киритилмаган.

Асарда Миркомил исмли бой образи келтирилган. “Миркомилбой образининг ҳаётдаги аниқ прототипи ҳақида маълумот йўқ. Абдулла Авлоний ҳақидаги тадқиқотларда ҳам, Авлонийнинг ўз хотираларида ҳам унинг номи учрамайди. Шу маънода Миркомилбой образи ёзувчи бадиий тўқимасининг маҳсулидир” (4, 98). Кўплаб асарларда бой образи салбий бўёқлар билан тасвирланганидек, “Қалдирғоч” асарида ҳам бойнинг салбий жиҳатларига урғу берилган:

1. У Муҳиддин исмли йигитни Кўқонда Эргашнинг чангалидан кутқариб қолади ва шундан сўнг у бойнинг хизматларини бир йилдан бери адо этиб юради.

2. Бойнинг Муҳиддинга қарата айтган нутқи орқали: “Бир одамнинг дўпписи керак”. “Қулоғингга қуйиб ол: Миробод маҳалласига борасан. Асадулла Мираълам деганни топасан. Уйи болахонали дейишади. Болахонада даҳрий томошалар кўрсатаркан, топишинг осон бўлади. Аммо эҳтиёт бўл: овоз чикмасин. Большевикларнинг керакли одами у. Дўпписини олишга уринма. Кули кўкка учса ҳам майли. Ундан ном-нишон қолмаслиги керак” (2, 23). Айнан

мана шу нутқ орқали бойнинг бир бегуноҳ инсоннинг жонини Муҳиддин орқали олмоқчи бўлганини кўриш мумкин. Бундай зулмкорлик ҳожига муносиб бўлмаган иш эди.

3. Миркомилбойнинг Асадулла ҳақидаги ўйларига муаллиф нутқи орқали: “Уламо” ҳукм чиқарганда у ҳам фотиҳага қўл очди. Мана энди ҳукмнинг ижроси унинг истаги билан амалга ошади” (2, 24) .

“Қалдирғоч” қиссасидаги Муҳиддин билан боғлиқ воқеалар, бой билан Муҳиддин ўртасидаги суҳбат ”Савоҳил”га ҳам киритилган, бироқ бойдаги салбий жиҳатлар Хаустон образига кўчирилган.

“Савоҳил” қиссасида бой образини умуман бошқа қиёфада кўрамиз. Асардаги Асадулла устидан ҳукм чиқарган “Уламо”га муносабати: “Ўшанда “Уламо”нинг ҳукмини эшитиб, Миркомил ҳожининг юрагидаги бир томир узилгандай бўлиб эди. “Бир одамга ўлимни раво кўрмоқ бунчалар осон. Бир одам ўлгани билан бу “Уламо” гуркираб яшнаб кетадими? Ё бир одамнинг ўлимидан сўнг ҳаёт чиройлироқ бўлиб қолармиди? Бир-биримизни шу зайлда кириб адо этамизми? – деб ўйлаганди у. Мушриклар Расулуллоҳни ҳақоратлар қилганлари етмай, тош отиб, озор етказганларида ҳам, мухтарам афандимиз уларни ўлимга ҳукм этиш у ёқда турсин, ҳатто дуойи бад ҳам қилмаган эканлар” (1, 26). Бу ўринда Асадуллани яқиндан таниган киши сифатида унга нақадар ачинаётганини кўришимиз мумкин. Бу асарда бой тилидан ҳадислардан намуналар ҳам келтирилган, бу эса бойни диндор, бошқаларга фақат эзгуликни раво кўрадиган инсон сифатида тасвирланишига ёрдам берган. Бу ҳадисларни ”Қалдирғоч” асарида учратмадим. Буни, албатта, давр нуқтаи назаридан баҳолашимиз мумкин.

Яна бир ўринда эса бор бойлигини йўқотган инсон ҳолатидаги сокинлик, шукроналик ҳожи табиати билан уйғун ҳолатда тасвирланган: “...қўлдан кетган бойликка армон қилмасман. Бойлик кимга бахт берибдики, менга вафо қилса. Оллоҳ лозим кўриб бу бойликни омонатга берган экан, истади-ю, қайтариб олди-қўйди. Берганда шукур қилиб эдим. Энди ҳам шукурдаман” (1, 29).

Менинг фикримча, ”Савоҳил” қиссасидаги бой образи ҳаққоний тасвирланган. Чунки Асадулланинг ўлими бойга ҳеч қандай наф келтирмайди. Бироқ Хаустон эса сиёсий мақсадларни кўзлаб ундан қутулмоқчи бўлиши анча ҳақиқатга яқин.

Истеъдодли ижодкор Тоҳир Маликнинг бой образи ҳақидаги фикрлари билан танишайлик: “Асарда Миркомилбой образи ҳам мавжуд. Дастлаб уни ҳам ёмонлаб ёзган эдим. Кейин бу фикрдан қайтдим. Алғов-далғов йиллари, Асадулла таъбири билан айтилганда, “юрт дошқозонга айланиб, тагига ўт қўйиб

кайнатиб юборилган” кезлари кимдир адашган, кимдир тўғри йўлни кўра билган. Бойлигидан ажралганларнинг рухий ҳолатини тушунишга интилишимиз керак. Яна афсусларки, бизнинг авлод бу тушунчадан йироқ эди. Болаликдан онгимизга қўйилган ҳақиқат битта – бой ёмон, бой золим... Асарни қайта ишлашда бойларнинг ҳаётига холис қарашга уриндим” (3, 33).

Ижодкор бир образ яратар экан, у якка ҳолда образ даражасига кўтарила олмайди. Уни тўлдириш, характерини очиш учун уни атрофида ҳаракатланувчи бошқа образларни ҳам киритади. Биз улар ёрдамида бош образни тўлиқроқ англаб етамиз. Ана шундай образлар сирасига Мавлоно Абдул Ғани образини киритишимиз мумкин. Унинг хатти-ҳаракатлари жадид адибларимизни ёдга солади, айниқса, маърифат тарқатиш йўлидаги хизматлари. Асардаги Омонуллахон нутқига эътибор берайлик: “Ул зотдан мен сабоқ олганман. Сизнинг лутфингиз ила бунёд бўлган “Ҳабибия”да кўп зоти олийларининг фарзандларига тарбия бердилар. Сизга хусуматлари йўқ эди, инонинг менга, сизга бисёр содиқлар ул зот. Юртимизга зиё келтирмакдан ўзга ниятлари йўқ эди” (2, 29). Бироқ унинг айбланишида ҳам жадид адибларига қўлланилган усул тасвирланганлигини кўришимиз мумкин: “Ҳабибуллахон Абдул Ғанининг янгича фикрли тўда ташкил этганлигини, бу тўданинг амир тутган йўлдан норизо эканини билиб, уни зиндонбанд қилган эди” (2, 30). Абдул Ғани ҳам Афғонистон юртини озод бўлиши учун фақат маърифат ёрдам беришини англаб етган эди. Ижодкор Афғонистондаги бу каби воқеаларни тасвирлаш орқали жадид адибларининг ғоялари мазмунини кенгроқ кўламда ёритиб бера олган.

Тоҳир Малик “Қалдирғоч” асарини қайтадан ишлаб, адабиётимиз хазинасини яна бир тарихий асар билан бойитган ижодкор дея оламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Tohir Malik. *Tanlangan asarlar*. II jild. *Savohil*. –Т.: Sharq. 2006.
2. Tohir Malik. *Qaldirg‘och*. –Т., 1987.
3. Tohir Malik. *Yozuvchining baxti va baxtsizligi*. –Т.: Sharq-ziyo-zakovat. 2017.
4. To‘ychiyev A. *O‘zbek nasrida jadid obrazi talqini*. fil.f.nomz. darajasini olish uchun yozilgan dissert. –Т., 2001.

REFERENCES

1. Tohir Malik. *Tanlangan asarlar* (selected works), 2 vol. *Savohil* (“two banks”), Tashkent: Sharq, 2006.
2. Tohir Malik. *Qaldirg‘och* (“Swallow”), Tashkent, 1987.
3. Tohir Malik. *Yozuvchining baxti va baxtsizligi* (Happiness and misfortune of writers), Tashkent: Sharq-ziyo-zakovat. 2017.
4. To‘ychiyev A. *O‘zbek nasrida jadid obrazi talqini* (interpretation of the images of the jadids in the Uzbek press), candidate’s thesis, Tashkent, 2001.